



МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Г. Т. БУТАБОЕВА*

Биз учун биринчи ўринда болаларимизнинг маънавияти, билими, соғлиги. Шунинг учун давлат томонидан мактабгача таълимга катта эътибор берилган ва бу ҳали бошланиши. Сизларнинг вазифангиз болаларнинг кўзидаги нурни илғаб олиш, уларга яхши тарбия бериш [1].

Аннотация. Мақолада мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тарбияни шакллантириш, мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини эканлиги, эстетик тарбиянинг асосий вазифалари каби масалаларга оид айрим фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўзлар: педагог, боғча, мактабгача таълим, болалар, таълим-тарбия, эстетика, фантазия, интеллектуал, маънавий-ахлоқий, ижодий, жисмоний, театр, рақс, мусиқа, поэзия, гўзаллик, нафосат, атроф-мухит.

ФОРМИРОВАНИЕ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Аннотация. В статье излагаются некоторые взгляды и суждения по вопросам формирования эстетического воспитания у детей дошкольного возраста, а также рассматривается система дошкольного образования как

* Бутабоева Гулрухсор Тунатиллаевна, University of Business and Science, Мактабгача ва мактаб таълим факультети (Мактабгача таълим) 3-курс талабаси



первичное и основное звено непрерывного образования и освещаются основные задачи эстетического воспитания.

Ключевые слова: педагог, детский сад, дошкольное образование, дети, воспитание и обучение, эстетика, фантазия, интеллектуальный, духовно-нравственный, творческий, физический, театр, танец, музыка, поэзия, красота, изящество, окружающая среда.

DEVELOPMENT OF AESTHETIC

UPBRINGING IN PRESCHOOL CHILDREN

Annotation. The article presents certain perspectives and opinions on the development of aesthetic appreciation in preschool-aged children. It also examines the preschool education system as the primary and fundamental component of lifelong learning and highlights the main objectives of aesthetic education.

Keywords: educator, kindergarten, preschool education, children, upbringing and learning, aesthetics, imagination, intellectual, spiritual and moral, creative, physical, theater, dance, music, poetry, beauty, grace, environment.

Ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия тизими ҳақида гапирганда, Абдулла Авлоний бобомизнинг доно фикрларини такрор ва такрор айтишга тўғри келади: **таълим-тарбия – биз учун ҳаёт-мамот масаласидир.** Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.



Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бунга қўшимча исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас.

Шунинг учун ҳам биз мактабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошладик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширмасак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим муассасалари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим соҳасига ихтисослашган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Биз қабул қилаётган барча-барча қарорларни амалга оширадиган, фарзандларимизга билим асосларини, энг зарур ҳаётий тушунча ва кўникмаларни ўргатадиганлар юқори малакали тарбиячи ва мураббийлардир.



Бу соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган илғор педагогик усул ва услубларни ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этиш ҳам ғоят долзарб вазифадир [2].

Юқоридаги фикрларни исботи сифатида айтиб ўтишимиз жоизки, “Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида таъкидланганидек, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш, соҳада фаолият юритаётган хусусий сектор вакиллари рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, таълим жараёнига инновацияларни, илғор педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида: 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

- мактабгача таълим ташкилотлари томонидан Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида боланинг ривожланиш харитасини юритиш амалиётини жорий қилиш;

- мактабга тайёрлов гуруҳларини тамомлаган болаларга уларнинг ривожланиш харитаси асосида бир йиллик мактабга тайёрловдан ўтганлик ҳақида электрон сертификат беришни йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари мактабгача таълим сифатини янада оширишга хизмат қилади [3].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида таъкидланганидек, мактабгача таълим ва тарбия тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, инновацион мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ташкил этиш, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, педагог кадрлар салоҳиятини ошириш, шунингдек, болаларни



ўйинга йўналтирилган таълим асосида миллий ғурур ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида:

а) мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, ижодий, жисмоний ва ҳар томонлама етук шахс бўлиб ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

б) таълим-тарбия жараёнини илғор тажрибаларга мувофиқ инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

в) соҳага хусусий секторни кенг жалб қилишни янада қўллаб-қувватлаш ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш учун қўшимча рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

г) бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим дастурини мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида киритиш;

д) мактабгача таълим тизимида болаларни тарбиялаш, ривожлантириш ва уларга таълим беришни ижобий муносабатлар орқали амалга ошириш мақсадида ўйинга асосланган таълимни жорий этиш;

е) мактабгача таълим ва тарбия тизимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган ва Болаларни ривожлантириш инновацион марказини ўз ичига олган «Янги авлод» мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ташкил этиш;

(а) бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим дастурлари мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида тўлиқ ёки қисқа муддатли гуруҳларда амалга оширилиши;



(б) мактабгача ва умумий ўрта таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотларига бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларини ташкил этишга рухсат берилиши;

2027/2028 ўқув йилидан бошлаб:

(i) мактабга тайёрлов гуруҳларида таълим жараёнлари олий маълумотли педагоглар, шунингдек, олий таълим ташкилотларининг битирувчи босқич талабалари томонидан олиб борилиши;

(ii) мактабга тайёрлов гуруҳларида таълим-тарбия олган болаларга бир йиллик мактабга тайёрловдан ўтганлик тўғрисида давлат намунасидаги электрон сертификат берилиши ҳамда ушбу маълумотлар умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатномада қайд этилиши мактабгача таълим ва тарбия тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади [4].

Мамлакатни юксак даражада ривожланиши албатта ўсиб келаётган ёш авлодга чамбарчас боғлиқ. Бугуни кунда мактабгача таълим ёшидаги болалар ривожланишига алоҳида диққат ва эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида таъкидланганидек, мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар нодавлат мактабгача таълим муассасалари сонини янада ошириш ва улар кўрсатадиган хизматлар турларини кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.



Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил, болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик материаллар ва бадий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон қарорига мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда - Концепция) 1-иловага мувофиқ, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда:

мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг сифатли мактабгача таълим билан қамровини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;



мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

мактабгача таълим тизимида мактабгача таълим тизими ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлом ва баланслаштирилган овқатланишини, сифатли тиббий парваришини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда - «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ;

в) 2019 - 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

г) 2025 - 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ҳар йили тасдиқланадиган алоҳида «Йўл харитаси» асосида босқичма-босқич амалга оширилади [5].

Эстетик тарбия кенг тушунча бўлиб, воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, ижтимоий ва меҳнат муносабатидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш, тушунишга ўргатиш, гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзалликни олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдир.



Эстетик тарбия ўз навбатида болаларга ҳар томонлама тарбия бериш нинг бир қисми ҳисобланади. У айниқса, ахлоқий тарбия билан узвий боғлиқдир. Санъат ва ҳаёт гўзаллиги билан таниш тириб бориш боланинг ақлини, ҳиссини тарбиялаб қолмай, шу билан бир қаторда унинг ҳаёли ва фантазия инсоннинг бадихагўйлик ((эркин тарзда ижро этилган ёки ижод қилинган бадий асарнинг ўзига хослиги. Муайян шакл, жанр, услуб ва бошқаларнинг ижодий тартиб-қоидалари асосида, яъни мавжуд элементларнинг янги тарзда ўзаро боғланиши натижасида вужудга келади. Турли санъат турлари (театр, рақс, мусиқа, поэзия)да мавжуд. Ижодкорлардан юқори маҳорат, бадий савияни талаб қилади)) қобилияти, бадий тўқималарга усталиги, топағонлиги, ихтирога мойиллиги, антиқа, ақлга тўғри келмайдиган ҳолатларни рўёбга чиқаришга уқувчанлиги кабиларда намоён бўлади. Фантазия инсон онгида вужудга келишидан эътиборан борлиқнинг қиёфасини ўзгартиришга йўналган бўлади)сини ҳам ривожлантиради.

Болаларни гўзалликка ошно қилиш, уларда ҳаётий воқеаларни тўғри тушуниш, олийж аноб ҳис-туйғуларни ва интилишларни шакллантиришга ёрдам беради. Болаларда гўзалликни идрок қилиш ни тарбиялаш орқали уларда бошқа кишиларнинг кечинмаларини ҳис эта билиш, қайғусини бирга барҳам кўриш каби хусусиятлар шаклланиб боради. Эстетик ривожланиш шахснинг эстетик онги, муносабати ва эстетик фаолиятининг шаклланиши ва такомиллашувида узоқ вақтни талаб этадиган жараёндир. Шахснинг эстетик ривожланиши ижтимоий-тарихий ва эстетик тажрибани ижодий ўзлаштириш жараёнида юзага келади.

Эстетик эҳтиёж - киши борлиқни, бадий фаолиятни, унинг ҳар хил кўринишларида эстетик идрок этишга ундовчи субъектив омилдир. Эстетик қизиқиш шахсни санъат асарларини, теварак-атрофдаги борлиқни эстетик идрок этишга ва эстетик фаолиятга йўналтиради. Эстетик қизиқиш эҳтиёжни



юзага келтиради. Эстетик тарбия тушунчаси билан бир қаторда бадий тарбия тушунчаси ҳам мавжуд.

Бадий тарбия санъат асарлари адабиёт, мусиқа, ашула, тасвирий санъат ва бошқа воситалар асосида тарбиялашдир. Эстетик тарбия - анча кенг, фақат санъат воситасидагина эмас, балки ҳаёт, меҳнат, кишиларнинг ўзаро таъсири воситасида гўзалликни, англашни тарбиялайди. Санъатда эса эстетиканинг турли-туман масалалари намоён бўлади. Айниқса, киш ининг фикриродаси мадҳ этилади, унинг тарбияловчи роли ҳам шунда намоён бўлади. Шунинг учун санъат эстетик тарбиянинг мазмуни ва воситаси ҳисобланади. Эстетик тарбия ахлоқий меҳнат ва жисмоний тарбия билан чамбарчас боғлиқдир. Эстетик ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, кишининг гўзалликни идрок этиш дан қувониш, унинг бошқа кишиларга яхшилик қилганидан хурсанд бўлишга ўхшаб кетади. Аксинча, гўзалликни кўра билмаслик, ундан завқлана олмаслик ёмон ишларни қилишга олиб келади.

Санъатнинг тарбиявий кучи шундаки, одамни ҳаётдаги воқеаларни, ҳодисаларни чуқур ҳис-ҳаяжон билан идрок этишга мажбур этади. Эстетик тарбия меҳнат тарбияси билан ҳам боғлиқ. Меҳнат фаолияти болаларни қувонтиради. Гўзаллик қувончисиз меҳнат қувончи бўлмайди. Меҳнат қувончи бу турмуш қувончидир.

Агар инсон эстетик жиҳатдан тарбияланган бўлса, у ҳар қандай қийин ишда ҳам гўзалликни кўра олади ва уни зўр завқ-шавқ билан бажаради. Эстетик ва жисмоний тарбия ўртасида мустаҳкам боғланиш мавжуд бўлиб киш ининг мустаҳкам соғлиғи учун муҳим саналади. Инсоннинг жисмоний камолоти гўзалликни тасаввур эта олмайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг эстетик ривожланишида, айниқса, эстетик тарбия эмас, ҳиссий ва сенсор ривожланиши тўғрисида ўйлаш керак. Бола ялтироқ бўёқдан хурсанд бўлади, бир маромдаги товуш ва ҳаракатлардан ҳузур қилади. Бола ҳаётининг



биринчи йилида унинг сенсор қабул қилувчанлиги такомиллашиб боради. Бу ёшдаги болада кечинмаларнинг шаклланишида катталар муҳим роль ўйнайди.

Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг идроки секин - аста такомиллашиб боради. Ўрта гуруҳга келганда, болалар эстетик идрокнинг ривожланиш ида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг эстетик идроки анча шаклланган бўлади. Бу ёшдаги болалар бадий образларни энг оддий эстетик баҳолай оладилар. Катта гуруҳнинг охирига келганда улар мусиқани, бадий асарларни диққат билан таъкидлайдилар, тасвирий санъат асарларини синчиклаб кузатадилар, улардаги ижобий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан қувонадилар, ёмонликни қоралайдилар.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 3-7 ёш оралиғида сенсорли-мотор қобилиятларининг ривожланиши боланинг келажакдаги когнитив, нутқий ва ижтимоий қобилиятларига асос солади. Ҳиссий билиш мактабгача ёшидаги болаликда алоҳида аҳамиятга эга. Фикрлаш ва нутқ етакчи ўрин тутадиган мантиқий билиш ҳиссий тажрибадан келиб чиқади. Сенсор ривожланиш ҳар қандай амалий фаолиятни муваффақиятли эгаллашнинг шарти ҳисобланади.

Теварак-атрофдаги борлиқни билиш сезги ва идрокка асосланади. Тасаввурнинг асосини бевосита сезиш орқали идрок қилиш ташкил этади. Бундай тасаввурнинг аниқлиги, тўлалиги сенсор жараёнларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Сенсор тарбия сезги ва идрокни бирор мақсадга қаратилган ҳолда ривожлантиришдир. “Сенсор” сўзи латинча “сенсус” – “туйғу”, “сезги”, “идрок”, “сезиш қобилияти” маъноларини англатади. Борлиқни билиш сезги, идрок қилишдан бошланади.

Инсон кўриш, сезиш ва ҳоказолар ёрдамида теварак - атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида билимга эга бўлади, фақат шулар асосидагина унда хотира, тафаккур, ҳаёл жараёнлари ҳосил бўлади. Мактабгача ёш даври сенсор



жараёнларни ривожлантириш давридир. Шунинг учун бу даврда сенсор тарбия муҳим ўринни эгаллайди. Сенсор тарбия ҳиссий билиш қобилиятларини шакллантиришга, сезги, идрокни такомиллаштиришга қаратилган педагогик таъсир системасидир. Мария Монтесори технологияси айнан шу фикрни олға сурувчи усуллар мажмуйи бўлиб, маънан етук, мустақил фикрловчи, интилувчан шахсни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Шифокор - педагог Мария Монтесори яратган мактабгача таълим методикаси мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш борасидаги барча тизимлар орасида алоҳида ажралиб туради. Агар ота-оналар ўз фарзандларига раҳмдиллик, меҳр-мурувват туйғуларини уйғота олмас эканлар, у ҳолда болалар нафақат бегона одамларга, балки ўз ота-онасига ҳам ҳиссиз бўлиб қоладилар.

Монтесори методикаси бўйича мактабгача ёшдаги болаларни сенсор тарбиялашда қуйидаги мақсадлар назарда тутилиши керак:

1. Барча ташқи ҳиссиётларни шакллантириш.
2. Ташқи ҳиссиётларни тарбиялаш орқали ҳали тўлиқ шаклланмаган барча руҳий жараёнларни ривожлантириш керак. Чунки диққат, интеллект ва ирода тўлиқ ривожланмаган бўлади.
3. Одатий бир ёқлама маданий тасаввурдан халос бўлиш.
4. Нутқ аппаратлари орқали тилни ривожлантириш, сўз бойликларини ошириш.
5. Болаларнинг руҳий ва жисмоний имкониятларига мувофиқ тарзда, ўз-ўзига хизмат қилишда эҳтиёж ва талабларни ривожлантириш.

Сенсор тарбиянинг мақсади мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг сенсор қобилиятларини ўстиришдан иборат [6].



Эстетик тарбиянинг вазифалари тарбиянинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, болаларнинг ёш ва индивидуал имкониятларига қараб белгиланади. Эстетик тарбиянинг вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Болаларни ҳаётдаги, воқеликдаги, табиат ва турмушдаги гўзалликни тушуниш, кўра билишга ўргатиш.

Уларда эстетик ҳис-туйғу, дид, эстетик муносабатни тарбиялаш.

2. Болаларни бадий ижоднинг турли жанрларида яратилган санъат Асарларини тушуниш, севишга ўргатиш, уларда эстетик онг қирраларини шакллантириш.

3. Болани санъатнинг турли соҳаларига қизиқиши, изланишини таркиб топтириш.

Юқорида кўрсатилган вазифалар асосида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳар бир ёш гуруҳида эстетик тарбия беришнинг методлари ишлаб чиқилади:

1. Онгни фикрлаш қобилиятни ривожлантиришга қаратилган методлар.

2. Одатлантириш ва машқ қилдириш методи (такрорлаш, ўргатиш, мусобақалар уюштириш, ибрат, намуна, ўғит).

3. Рағбатлантириш ва жазолаш методи (маъқуллаш, кўнгил кўтариш, намуна қилиш, қаторнинг бошида турғозиш, раҳматнома эълон қилиш, огоҳлантириш, тушунтириш, ота-онасига мурожаат этиш).

Болалар боғчасидаги эстетик тарбиянинг асосий воситалари қуйидагилардир:

- ижтимоий муҳит ва турмуш эстетикаси;

- санъат асарлари;



- болаларнинг ижодий фаолиятлари;
- байрамлар, кўнгилочар тадбирлар;
- маълум мақсадга қаратилган ва режа асосида амалга ошириладиган тизимли таълим [7].

Қисқача эстетика сўзига тўхталадиган бўлсак, эстетика (юнонча – “ҳис қилувчи”, “ҳиссий тарбияга доир”) - инсон билан дунё ўртасидаги қадрият муносабатининг ўзига хос томонларини ва кишиларнинг бадиий фаолияти соҳасини ўрганувчи фалсафий фан ҳисобланади. “Эстетика” терминини немис файласуфи А. Баумгартен (1714 - 1776) илмий муомалага киритган. Эстетиканинг синоними сифатида гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, бадиий ижод фалсафаси иборалари қўлланиб келинган. Эстетика ўз ичига санъат эстетикаси, табиат стетикаси, техника эстетикаси, дизайн, спорт эстетикаси, турмуш эстетикаси, атроф муҳитни гўзаллаштириш ва бошқа соҳаларни қамраб олади.

Эстетика нафосат, дид, гўзаллик, хунуклик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгилилиқ, мўъжизавийлик, ҳаёлилиқ сингари категория (юнонча категория - мулоҳаза, фикр, белги)лар билан иш кўради. Улар орасида нафосат тушунчаси алоҳида ўрин эгаллайди. У биринчидан, эстетик англашнинг барча жиҳатларини (эстетик ҳиссиёт, эстетик завқ, эстетик дид, эстетик муҳокама ва бошқалар), иккинчидан, эстетик хусусиятларни - амалдаги гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилиқ ва ҳ. к. жиҳатларни ўз ичига олади. Ана шу кейинги жиҳати билан нафосат баъзан эстетиканинг предмети сифатида ҳам қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тарбияни шакллантириш уларда борлиқни, гўзаллиқни севиш ва эъзозлашга ундайди. Бизга маълумки, мактабгача ёшдаги болалар тарбиясида эстетик тарбия муҳим



роль ўйнайди. Мактабгача ёшдаги болаларни гўзаллик ва нафосат руҳида ўстириш улар тарбиясидаги собитқадамликни, яъни мукаммаликни шаклланишига ёрдам беради. Бола туғилган чоғидан бошлабоқ хилма - хил рангларга қизиқиш билан атроф-муҳитга қарай бошлайди, турли ёқимли товушларни эшитиб қувончга тўлади ва ором олади. Бу эса ёш болаларда эстетик оламга интилиш, уйғониш ҳамда талпиниш ҳиссиёти борлигидан далолат беради. У улғайиб катта бўлгани сайин турли ранглардан иборат нарсалар ва ўйинчоқлар орқали кўриш сезгиси ривожланиши билан бирга болада эстетик онг шакллана боради. Мактабгача таълим ташкилотига қадам қўйган болажонларнинг дастлабки машғулотлари эстетик тарбия билан узвий боғлиқдир. Тарбиячи болажонларнинг ота - оналар билан боғланган ҳолда болаларнинг рангли қаламлар ва пластилин (лой, мум ва мойбўёқлардан тайёрланадиган, тез қуримайдиган пластик масса. Пластилиндан ҳайкалчалар ясалади. Боғчада бола расм чизади, пластилиндан турли буюмлар ясашни ўрганади.) билан машқлар қилишини ташкил этиши зарур. Болаларга рангли қаламлар воситасида атроф - муҳит тасвирини қўлдан келганича акс эттиришга буюриш ёки пластилиндан турли нарсалар ясашни уларга ўргатиш кабилар болажонларнинг эстетикасини ривожлантиришига хизмат қилади. Шунингдек, турли байрам ва маросимларда болаларни мавзуга оид шеър ўқиш, қўшиқ айтиш ва рақс тушишга ўргатиш кабилар ҳам улар қалбида нафосат ва гўзалликка муҳаббат руҳини ўстиради. Бола шеър ёдласа, қўшиқ айтса ва рақс тушса, ундаги эстетик онг такомиллашиб боради. Санъат ва гўзалликка шайдо қалблардан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Эстетик тарбия кичкинтойларни саранжом - саришталикка, тарбиялиликка, борлиқни ва гўзалликни севиш ва эъзозлашга ўргатади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни эстетик руҳда тарбиялаш, улар қалбининг пок ва гўзал бўлишига доим эътибор бериш ҳамда мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш болажонларимиз таълим - тарбиясининг мукаммаллигига эришиш мактабгача



таълим ташкилоти тарбиячисининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик тарбияни шакллантириш болажонларни ҳар томонлама баркамол тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб, ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбия билан узвий боғланган ҳолда олиб борилишига катта аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Мақоламизни Монтессори мактабининг олтин қоидалари билан якунламоқчимиз, яъни:

- бола фаол бўлиши муҳим. Унинг улғайишида катталар иккинчи ўринда турсин, раҳбар эмас, кўмакчи бўлсин;
- эркин ҳаракат ва бола танлови;
- катта болалар ўзидан кичикларга билганини ўргатсин. Айни шу одат бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш кўникмасини шакллантиради;
- бола қарорни ўзи чиқарсин;
- машғулотлар махсус ҳозирланган муҳитда ўтилиши шарт;
- катталарнинг бурчи — болани қизиқтира билиш. Кейин боланинг ўзи ривожланиб кетаверади;
- бола ичидаги истеъдодни тўлиқ кўрсатиши учун унга эркин фикрлаш, ҳаракат ва туйғу имконини бериш керак, холос;
- болани табиатдан бездириш эмас, дўст қилиш кифоя;
- уни танқид қилманг, қандайдир тақик, чеклов билан бўғманг;
- хато қилишга ҳар бир боланинг ҳаққи бор. Уни тўғрилашни ҳам ўзига қўйиб беринг [8].

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. *Мирзиёев Ш.М.* Болаларнинг кўзидаги нурни илғаш керак. 26.10.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/2110> (Мурожаат санаси: 27.06.2026 йил).



2. *Мирзиёев Ш.М.* Мактабгача таълим соҳасида замонавий тизим яратилади. 19.10.2017 йил. // <https://president.uz/uz/lists/view/1162> (Мурожаат санаси: 27.06.2026 йил).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.09.2024 йилдаги “Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-152-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.02.2026 йилдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-19-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон Қарори.
6. *Xamidullayeva Husnida Murodjon qizi.* Maktabgacha ta’lim yoshida bolalarni sensor matorikadini rivojlantirish mexanizmlari // NamDPI. 70110201-Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (Maktabgacha ta’lim) magistratura mutaxassisligi 1-bosqich magistranti//<https://doi.org/10.5281/zenodo.15491181/>
https://ilmiyanjumanlar.uz/uploads/conferences/00100/100_i_20250522_222541_1.29.pdf (Мурожаат санаси: 27.06.2026 йил).
7. *Шодмонова Ш.* Мактабгача таълим педагогикаси. Т., “Fan va texnologiya”, 2008, 94 – бет // [https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/pedagogika/Maktabgacha%20tarbiya%20pedagogikasi%20\(Shoira%20Shodmonova\).pdf](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/pedagogika/Maktabgacha%20tarbiya%20pedagogikasi%20(Shoira%20Shodmonova).pdf) (Мурожаат санаси: 27.06.2026 йил).
8. “Бола ўзини ўқита олади, унинг йўлини фақат сиз ва чекловларингиз тўсади”. Дунё болалари муаллими Мария Монтессори ҳақида // <https://www.gazeta.uz/oz/2023/03/12/montessori/> (Мурожаат санаси: 27.06.2026 йил).